Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган инновацион молиявий хизматлар

https://zenodo.org/records/11521806

Позилов Санжарбек Мухаммадисмоилович
Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси

Аннотация: *Ушбу мақолада тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган инновацион молиявий хизматлар тавсифи ва уларни ривожлантириш масалалари ёритилган.*

Калит сўзлар: *банк, кичик бизнес, тадбиркорлик, лизинг, кредит*

Тадбиркорлик фаолиятини банклар томонидан кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш, овердрафт, контокоррент, факторинг шаклида кредитлаш инновацион кредит хизматлари кўрсатиш ҳисобланади.

Кредит линияси очиш йўли билан кредитлашда тижорат банки томонидан кичик бизнес субъектига кредитлаш лимити ажратилади ва давр белгиланади. Масалан, кичик бизнес субъекти 6 ой мобайнида 200 миллион сўм миқдоридаги кредитлаш лимитидан фойдаланиши мумкин. Кредитлашнинг ушбу шаклининг асосий афзаллиги шундаки, кичик бизнес субъекти ҳар сафар банкка кредит сўраб мурожаат қилиш заруриятидан халос бўлади.

Кредит олувчини алоҳида ссуда ҳисобрақамидан кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш шакли қуйидаги хусусиятларга эга:

– ушбу шаклда кредитлар фақат юридик шахсларга берилади;

– кредитни олувчилар бўлиб, бутун фаолияти давомида банк кредитларига эҳтиёжи бўлган корхона ва ташкилотлар ҳисобланади;

– кредит асосий жорий ҳисобрақами шу банкда бўлган мижозларга берилади;

– кредит тўловига лаёқатлилиги юқори бўлган юридик шахсларга берилади;

– кредитлашнинг ушбу шаклида тижорат банки бутун кредитлаш даври мобайнида ликвидлилик рискига дучор бўлади. Шу сабабли, тижорат банки

кредит линиясидан фойдалангани учун мижоздан алоҳида комиссион ҳақ олади.

Кредит линиясининг икки муҳим афзаллигини ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, мижоз ҳар сафар кредит сўраб, банкка мурожаат қилиш заруриятидан халос бўлади; иккинчидан, кредит олувчи кредитлаш лимитининг фақат ишлатилган қисми учун фоиз тўлайди; учинчидан, банк маълум давр мобайнида барқарор фоизли даромад олади; тўртинчидан, тижорат банки кредит шартномаси шартларини бажарилиши устидан назорат қилиш имконига эга бўлади. Агар кредит шартномаси шартларининг мижоз томонидан бузилиши юз берса, банк кредит линиясини вақтинчалик ёпиб қўйиши мумкин[6].

Овердрафт кредити кичик бизнес субъектининг жорий ҳисобрақамида пул маблағлари етишмай қолганда берилади. Овердрафт кредити доимий пул тушумига эга бўлган, бироқ, асосий жорий ҳисобрақамида қисқа муддатли пул маблағлари етишмовчилиги юз берадиган хўжалик юритувчи субъектларга берилади.

Овердрафт кредити юқори рискли кредит бўлганлиги сабабли, унинг фоиз ставкаси банкнинг муддатли кредитларининг фоиз ставкаларига нисбатан юқори бўлади.

Овердрафт кредити, одатда, таъминотсиз бўлади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банки мижознинг жорий ҳисобрақамида қачон ва қанча суммага пул маблағлари етишмовчилигининг юзага келишини олдиндан билмайди.

Овердрафт кредити юқори рискли кредит бўлганлиги сабабли банкнинг кредит тўловига лаёқатлилик даражаси юқори бўлган мижозларига берилади.

Овердрафт кредити бўйича қарздорликни кейинги ойга ўтиб кетишининг олдини олиш мақсадида, одатда, тижорат банклари мижоздан ҳар ойининг сўнгги иш кунида жорий ҳисобрақамни кредитли қолдиғини таъминлашни талаб қилишади.

Кредитлашнинг овердрафт шаклида мижозга кредитлаш лимити ажратилади. Лимит суммасини аниқлашда мижознинг жорий ҳисобрақамини кредитли айланмасининг ўртача миқдори асос сифатида олинади.

Халқаро амалиётда кредитлаш лимити 12 ойгача муддатга ажратилади. Россия амалиётида эса, кредитлаш лимити 180 кунгача ажратилади ва лимитни ҳисоблашда мижознинг жорий ҳисобрақамини кредитли айланмасида қуйидагилар ҳисобга олинмайди:

– олинган кредитлар;

– конверсион операциялардан олинган тушумлар;

– олдин жойлаштирилган депозитларни қайтариш;

– банкнинг қимматли қоғозларини (векселлар, депозит сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозлар) сотишдан олинган пул маблағлари;

– транзит операциялари (банк мижозларининг бирининг ҳисобрақамидан бошқасининг ҳисобрақамига пул маблағларини ўтказиш);

– мижознинг кассасига унинг жорий ҳисобрақамидан келиб тушган маблағлар;

– молиявий ёрдам тариқасида келиб тушган маблағлар;

– тузатилган бухгалтерия ўтказмалари бўйича келиб тушган пул маблағлари[7].

Кредитлашнинг контокоррент шаклида мижознинг жорий ҳисобрақами ёпилиб, контокоррент ҳисобрақами очилади. Кичик бизнес субъектининг фаолиятидан келаётган барча пул тушумлари контокоррент ҳисобрақамининг кредитида акс этади. Кичик бизнес субъектининг барча тўловлари контокоррент ҳисобрақамининг дебетида акс этади. Контокоррент кредити контокоррент ҳисобрақамининг дебетли қолдиғи суммасига берилади.

Ўзбекистон амалиётида тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилаётган ҳозирги шароитда овердрафт ва контокоррент кредитлаш шаклларидан фойдаланиш тижорат банклари учун юқори рискли ҳисобланади. Чунки, тўловларнинг мақсадли кетма-кетлигида кичик бизнес субъектларининг мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга оширишда

устуворлик уларнинг давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини тўлашга қаратилади.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларинии факторинг шаклида кредитлаш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

– дебитор қарздорликни инкассация қилиш;

– мижознинг айланма маблағини кредитлаш;

– кредит рискидан кафолатлаш;

– валюта рискидан кафолатлаш.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш амалиётидаги муҳим инновациялардан бири бўлиб, чекларни конверсия қилиш ҳисобланади. Бунда чеклар электрон транзакцияларга айлантирилади.

Чекларни конверсия қилиш биринчи марта АҚШ амалиётида Федерал захира тизими томонидан ишлаб чиқилган “Check 21”тизими орқали 2004 йил октябрда амалга оширилди[1].

Чекларни конверсия қилиш қоғоз чекларни клиринг қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни сезиларли даражада камайтиради. Аммо, банкларга барибир чекни қоғоз варианти керак. Чунки, улар чекнинг қоғоз вариантини кунлик ҳужжат сифатида сақлаб қўйиши керак.

Банкларнинг ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш амалиётидаги инновациялардан яна бири бўлиб, ҳисобрақамларни электрон тақдим этиш ва тўлаш ҳисобланади.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Ўзбекистон Республикаси “Марказий банки тўғрисида” ги Қонуни. https://lex.uz/acts/-4590452
2. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни https://lex.uz/docs/-4581969
3. Элмирзаев С.Э., Боев Б.Ж. Акцияларни оммавий жойлаштириш операцияларини ташкил этиш ва ўтказиш. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил. – Б.8; http://interfinance.uz/en/arxiv/238-ikkiz20182307
4. S.Elmirzayev va boshqalar. Moliya bozori. //: Darslik, – T.: “Iqtisod-moliya”, 2019. – 222 b.
5. Бобакулов Т.И. Кредитлаш шакллари. Банк иши. Дарслик. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. – Б. 377.
6. Банковское дело. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2008. – С. 441.

[1]Bradford T. Payment Types at the Point Sale. Payments System Research Briefings. – Kansas City, 2006.

7. Shavkat Bayramovich Babaev, Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Mirza Qilichbayevich Sabirov, Inomjon To‘raevich Jumaniyazov, & Inomjon To‘raevich Jumaniyazov. (2024). CONCEPTUAL REFLECTION OF THE CHANGING ROLE OF THE STATE EXPORT POLICY IN THE DEVELOPMENT STRATEGY OF THE NEW UZBEKISTAN. European Scholar Journal, 5(3), 5-8.

8. Shavkat Bayramovich Babaev, Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Mirza Qilichbayevich Sabirov, Inomjon To‘raevich Jumaniyazov, & Inomjon To‘raevich Jumaniyazov. (2024). CONCEPTUAL REFLECTION OF THE CHANGING ROLE OF THE STATE EXPORT POLICY IN THE DEVELOPMENT STRATEGY OF THE NEW UZBEKISTAN. European Scholar Journal, 5(3), 5-8.

9. Jumaniyazov Inomjon Turaevich, & Juraev Maqsud Annaqulovich (2022). Korxonalarda moliyaviy qarorlar qabul qilish va risklarni baholash usullari. Science and Education, 3 (5), 1646-1654.

10. Turayevich J. I. Akmal o’g’li, SM (2023) //INVESTITSION LOYIHALARNI MOLIYALASHTIRISHDA TIKLANISH VA TARAQQIYOT JAMG’ARMASINING O’RNI. PEDAGOGS jurnali. – T. 35. – №. 4. – С. 147-157.

11. Жуманиязов Иномжон Тураевич Основные задачи Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан // Наука, образование и культура. 2016. №7 (10).

12. Иномжон Тураевич Жуманиязов, Нозимахон Омонуллохоновна Садыкова Ўзбекистонда ва жахонда суверен фондлар инвеститцион фаолияти // Science and Education. 2023. №6.

13. Inomjon J., Sarvar A. SUVEREN FONDLAR FAOLIYATI VA ULARNING MOLIYAVIY MABLAG ‘LARINI SAMARALI FOYDALANISHNING XORIJ TAJRIBASI //PEDAGOGS jurnali. – 2023. – Т. 35. – №. 4. – С. 102-108.